

1.МАЪРУЗА МАТНИ

19-мавзу. Маҳаллий бюджетлар

- 1. Маҳаллий бюджетлар даромадлари**
- 2. Маҳаллий бюджетлар харажатлари**

Бюджет тизимининг ҳар қайси бўғинига биритирилган солиқлар ўзига хос иқтисодий мазмунга ва умумий давлат бюджети даромадларини шакллантиришда алоҳида аҳамиятга эгадир. Уларни бюджет даромадларидаги салмоғи нуқтаи назардан таркибий ислоҳ қилиш давлат томонидан олиб борилаётган бюджет- солиқ сиёсатига ва иқтисодиётни давлат томонидан тартибга солишнинг инструменти сифатида солиқлардан фойдаланиш даражасига боғлиқдир.

Давлат бюджети даромадлари таркибида асосий салмоқни билвосита ва бевосита солиқлар ташкил қилмоқда. Агар солиқларни давлат бюджети тизими бўғинлари ўртасида тақсимланиши нуқтаи назардан кўриб ўтадиган бўлсак юқоридаги билвосита ва бевосита солиқларнинг асосий қисми умумдавлат солиқлари ва йигимлари ҳисобига тўғри келаётганлигини кузатишимиз мумкин. Демак, солиққа тортиш тизими даромадларни Республика даражасида марказлаштириш юқорилигича қолаётганлигини ва шу билан бирга бюджет ихтиёридаги молиявий ресурсларни «кўйидан юқорига» қараб молиявий оқимлари билан биргаликда молиявий тенглаштириш сиёсатини амалга ошириш мақсадидаги «юқоридан қўйига» йўналтирилган молиявий ресурслар оқимлари ҳам сезиларли бўлаётганлиги табиий ҳол ҳисобланади. Даромадларни марказлаштиришга таъсир этувчи омил ҳудудларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланишидаги тафовут ва шунга асосланган ҳолда давлат ижтимоий хизматларини ҳудудлар кесимида тенглаштириш сиёсатининг кўламига боғлиқдир.

Шунингек, ҳудудлардаги табиий, ижтимоий- иқтисодий ва демографик омиллар таъсирида уларнинг давлат бюджети даромадларидаги салмоғида тафовутлар юзага келади.

Иқтисодий салоҳияти юқори даражада бўлган Тошкент шахри, Тошкент вилояти, Фаргона вилояти, Бухоро вилояти, Қашқадарё вилояти, Навоий вилоятлари давлат бюджети даромадларини шаклланишида сезиларли улушга эга бўлишмоқда. Бу албатта ялпи ҳудудий маҳсулотнинг таркиби ҳисобланувчи саноат маҳсулоти, ҳалқ истеъмоли товарлари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, инвестициялар, чакана савдо айланмаси ва пуллик хизматлар кўрсатиш даражаларини бўйича баҳоланадиган ҳудудларнинг ижтимоий- иқтисодий ривожланиш даражасига боғлиқдир.

Мазкур даромадлар ҳудудлардаги ижтимоий- иқтисодий тадбирлар бўйича молиявий эҳтиёжларини қондиришга қаратилган маҳаллий бюджетларни шакллантиришга ҳамда умумдавлат аҳамиятидаги молиявий ресурсларга бўлган эҳтиёжлар учун Республика бюджетига тақсимланади.

Республика бюджетининг даромадлари умумдавлат солиқлари ва йифимлари ҳисобига шакллантирилиб, бундай даромадлар асосан, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган харажатларни молиялаштиришга йўнатирилади.

Ўзбекистон республикасида янги қабул қилинган Солиқ кодексининг 23 моддасида умумдавлат солиқларига юридик шахслардан олинадиган фойда солиғи; жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи; қўшилган қиймат солиғи; акциз солиғи; ер қаъридан фойдаланувчилар учун солиқлар ва маҳсус тўловлар; сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ, ягона солиқ тўлови ва бошқалар киритилади¹.

Даромадларни марказлашуви ва уларни бюджет тизими бўғинлари ўртасида қайта тақсимланиш механизмининг хуқукий асосларини шакллантиришни ҳисобга олган ҳолда умумдавлат солиқларининг ҳар йили қонуний тартибда белгиланган меъёрлар асосида бюджетлар ўртасида тақсимланиш механизми амал қиласи. Бу албатта, бюджет тизимининг солиқли даромадларини турли даражадаги бюджетларга тегишли молиявий мажбуриятларни ҳар йили ўзгариб туриши ва бу харажатлар асосида «донор» ва «реципиент» бюджетлар даромадларини ўзаро барқарорлаштириш воситасидаги бюджет муносабатларини тартибга солишни кўзда тутади. Айниқса ҳозирги “ижтимоий йўналтирилган” бюджет тизими шароитида маҳалий бюджетларга ижтимоий- маданий тадбир харажатлари ва аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича юклатиган юқори даражадаги харажат мажбуриятларини самарали ижросини таъминлашда умумдавлат солиқлари ва йифимлари воситасида бюджет тизими тартибга солиш амалиётига алоҳида вазифалар юклатилши табий ҳолдир. Жаҳон амалётида юқори бюджетлар томонидан қуйи бюджетларни тартибга солишда кенг қўлланиладиган усуллардан бири меъёрий ажратмалар воситасида тартибга солиш тизими ҳисбланиб, миллий бюджет тизимида ҳам уларнинг аҳамияти ва маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибидаги ҳиссаси юқори бўлмоқда.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари ҳудудий ижтимоий-иктисодий тадбирларни молиявий таъминлашга қаратилган маҳаллий хокимият органларининг молиявий ресурслар манбаи ҳисблланади.

Биритирилган даромадлар – бюджет хуқуқининг субъектига тегишли маблағлар, яъни бюджетга тўлалигича ёки қатъий ўрнатилган улушда доимий равишда келиб тушадиган маблағлардир.

Маҳаллий солиқлар ва йифимларни маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибидаги салмоғининг ўсиши уларнинг молиявий мустақиллигининг асосий омилларидан бири ҳисблланади. Ҳақиқатда ҳам давлат ижтимоий-иктисодий сиёсатини самарали ижросини таъминлашда маҳаллий солиқлар ва йифимлар бир ҳил таъсир даражасига эга бўлиши керак.

¹Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодекси. -Тошкент: Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2007 йил, декабр, № 52(1). Расмий нашр.

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Маҳаллий солиқлар:

- мол-мулк солиғи;
- ер солиғи;
- ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи;
- жисмоний шахслардан транспорт воситаларига бензин, дизель ёқилғиси ва газ ишлатганлик учун олинадиган солиқ;
- ягона ер солиғи

Маҳаллий йиғимлар:

- айрим турдаги товарлар билан чакана савдо қилиш ва айрим турдаги хизматларни күрсатиш ҳуқуқи учун йиғим;
- Тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланадиган юридик ва жисмоний шахсларни рўйхатга олиш йиғими;
- Автотранспорт воситаларини сақлаш йиғими;
- Дехқон бозорларидаги бир марталик йиғим;
- бошқа йиғимлар.

1- расм. Маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг таркиби

Амалдаги мавжуд маҳаллий солиқлар ва йиғимлар тизимини таҳлил қиласидиган бўлсак, унинг таркибидаги ер солиғи, ягона ер солиғи ва мол мулк солиқлари иқтисодий табиати бўйича реал солиқлар ҳисобланниб, уларнинг обьекти ер ресурслари ва мулк обьектлари ҳисобланади. Шунингдек, истеъмолдан олинадиган бензин ва дизел ёқилғиси учун солиқ ҳамда ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиқлари ҳам маҳаллий бюджетларнинг бириктирилган даромад манбалари ҳисобланади.

Маҳаллий бюджетларнинг даромадлари таркибида факултатив тавсифдаги маҳаллий йиғимлар ҳам мавжуд бўлиб, ҳозирги кунда уларнинг аҳамияти ўсиб бормоқда.

Иқтисодчи Г.Б. Поляк маҳаллий бюджетлар барқарорлигини комплекс баҳолаш тизимини тадқиқ қилиш воситасида, молиявий барқарорликни таъминланиши учун қонунчилик бўйича бириктирилган даромадларни яъни маҳаллий солиқлар ва йиғимларни уларнинг даромадларида ўртacha 50-60%ни ташкил қилиши лозимлигини эътироф этади². Ҳозирги шароитдаги бюджет амалиётимизда эса маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг маҳаллий бюджет даромадларидаги салмоғи 30%ни ҳам ташкил қилмаётганлигини қуидаги жадвал маълумотлари асосида кўришимиз мумкин.

Маҳаллий бюджетлар даромадлари таркибида маҳаллий солиқлар ва йиғимларнинг ҳиссасини сезиларли даражада бўлмаса ҳам ўсиши кузатилаётган бўлсада, 2011 йилга келиб 29,6%лик салмоқ уларнинг

² Польяк Г. Б. Бюджетная система Р.Ф.-Москва: ЮНИТИ, 2001.- С.127

молиявий барқарорлигини таъминлаш ва юқори бюджетларга молиявий қарамлигини олдини олиш учун бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромадларни тақсимланиш тизимидағи ислоҳотлар давом эттирилиши лозимдир. Лекин кейинги йилларда олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида маҳаллий солиқларнинг салмоғи маҳаллий бюджетлар даромадларида ортиб бормоқда. Бундай ўсиш биринчидан маҳаллий солиқлар ва йифимлар тизими бўйича солиқка тортиладиган базани кенгайтирилиши билан, иккинчидан, уларни таркибий қайта шакллантирилиши натижасида кўпайганлигини кузатишмиз мумкин.

Айниқса бензин, дизел ёқилғиси истеъмоли учун солиқнинг жорий қилиниши натижасида маҳаллий солиқлар таркибида сезиларли тушум самарасига эга бўлган солиқка асос солинди.

Куйидаги жадвал маълумотларидан қўриниб турибдики, Андижон вилояти Асака тумани маҳаллий бюджети даромадлари таркибида мол-мулк солиғи, ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиғи, ер солиғининг салмоғи юқори бўлмоқда.

Давлат бюджети харажатлар бюджет тизимининг ҳар қайси бўғинига алоҳида равища бириттирилган бўли, уларнинг тақсимланишининг асосини турли даражалардаги давлат хокимият органларига юклатилган вазфаларга бевосита боғлиқдир. Хусусан, умумдавлат аҳамиятига эга бўлган харажатлар асосан Республика бюджетидан молиялаштирилади. Бундай харажатларга мудоваа, миллий хавфсизлик харажатлари, суд, прокуратура тизмини молиялаштириш харажатлари вқа бошқалар ҳисобланади.

Кейинги йилларда давлат бюджети харажатларининг сезўиларли қисми маҳаллий бюджетларга харажат мажбуриятлари сифатида юклатилмоқда. Бунга параллел равища маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятларини оширишга қаратилган фискал марказлизаштириш сиёсати ҳам амалга оширилмоқда. Хусусан, бу борада Президентимиз И.А.Каримовнинг: «Давлат бюджети даромадларининг катта қисмини жойларга бериш, бюджетларни мустаҳкамлаш эарур. Бу эса минтақалар мустақиллигини. бюджет ижросидан манфаатдорлиги ва бу борадаги масъулиятини ошириш имконини беради. Бундан ташқари, бу нарса маҳаллий бюджетларга тушумларнинг янги манбаларини кидириб топишга рағбатлантиради, жойларда бюджет интизомини мустаҳкамлайди»³, - деган фикр-мулоҳазалари дикқатга сазовордир.

Худудлардаги ижтимоий иқтисодий ислоҳотларни амалга ошириш бўйича маҳаллий бюджетлар харажатларининг кўпайиши бир қатор омилларга асосланади:

-харажатларнинг манзиллиларини ошириш ва истеъмолчиларга максимал яқинлаштирилиш имкониятлари туғилади. Бунда маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органлари, фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларининг

³ Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократия-лаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. «Халқ сўзи» газетаси, 2005 йил 29 январ, 20(3565)-сони, 1-3 бетлар.

харажатларни самарали сарфланиш, уларни манзилли сарфланишини таъминлаш бўйича масулияти оширилади;

- харажатларнинг ҳақиқий истеъмолчисига максимал даражада етиб бориши таъминланади ва мақсадли сарфланиши устидан самарали молиявий назорат тизими шакллантирилади.

- худудлардаги ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни амалга оширилишидан манфаатдор давлат органи сифатида маҳаллий ўз-ўзини бошқариш органларининг харажатлар ижроси бўйича самарали фаолияти таъминланиши мумкин.

Маҳаллий бюджетлар ҳозирги кунда иқтисодиётни ривожлантириш ва аҳоли фаровонлигини ошириш жараёнида бир қанча зарурӣ вазифаларни бажармоқда:

- маҳаллий ҳокимият органлари фаолиятини молиявий таъминлаш учун пул фондларини шакллантириш;

- шакллантирилган пул фондларини иқтисодиётнинг турли соҳалари ўртасида оқилона тақсимлаш ва фойдаланиш;

- маҳаллий ҳокимият органлари бошқарувида бўлган корхона, ташкилот ва муассасаларнинг молиявийхўжалик фаолиятини назорат қилиш.

Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий жараенлари натижасида яққолроқ намоен бўлади. Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятининг асосий томони – уларга қарашли худудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида режаларини амалга оширишdir. Аҳолининг купайиши ва аҳоли яшайдиган жойларда ободончилик ишларини ташкил қилишда маҳаллий бюджет харажатларининг кенгайишига олиб келади.

Худудий ижтимоий иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда маҳаллий бюджетларнинг аҳамияти уларга юклатилган харажат мажбуриятларига бевосита боғлиқdir. Маҳаллий бюджетларнинг харажатлар қисми мамлакатнинг иқтисодий ва ижтимоий жараенлари натижасида яққолроқ намоен бўлади. Маҳаллий ҳокимият органларининг фаолиятининг асосий томони – уларга қарашли худудларнинг иқтисодий ва ижтимоий ривожланишида режаларини амалга ошириш ва кайтадан ишлашdir. Аҳолининг купайиши (кучиб келувчилар натижасида) янги туманларнинг пайдо бўлишига комунал хўжаликни устириш бўйича тадбирларни амалга оширишга ва аҳоли яшайдиган жойларда ободончилик ишларини ташкил қилишда маҳаллий бюджет харажатларининг кенгайишига олиб келади.

Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида реал сектор корхоналарини қўллаб қуватлаш учун имтиёзли кредитлаш тизимини жорий қилишда давлат бюджети маблағларининг аҳамияти юқоридир. Чунки, Инқироз шароитида тижорат банкларини капиталлашув даражасини ошириш бўйича уларнинг низом капиталларига қўйилма шаклида давлат бюджетидан 491 млрд. сўм маблағ ажратилиши режалаштирилган бўлиб, мазкур маблағлардан тижорат банклари мақсадли йўналишда фойдаланишлари белгиланган Асосан мазкур маблағлардан имтиёзли кредитлаш тизимида кенг фойдаланишлари кўзда тутилган. Демак, молиявий- иқтисодий инқироз

билин боғлиқ муаммоларнинг кескинлашуви шароитида мамлакат иқтисодиётини барқарорлигини таъминлаш, уни молиявий соғломлаштириш бўйича чора тадбирларда давлат бюджети ва хусусан, унинг таркибий қисми бўлган маҳаллий бюджетларнининг аҳамияти юқоридир.

Молиявий- иқтисодий инқироз шароитида давлат бюджетига ва хусусан маҳаллий бюджетларга юқори даражадаги инвестицион юк юклатилишига қармасдан тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган, хорижий инвестициялар иштирокида ташкил этилган корхоналарни бюджеттага барча турдаги солик ва тўловлардан озод қилиш муддатини 2012 йилгача узайтириш бўйича имтиёзнинг яратилиши ҳам корхоналарнинг солик тўлашдан бўшаган маблағлари ҳисобига мақсадли харажатларини молиявий таъминлаш ва рентабеллигини ошириш имкониятлари вужудга келтиради.

Юқорида санаб ўтилган чоралар реал сектор корхоналари ва экспортга маҳсулот ишлаб чиқарувчи корхоналарни молиявий жиҳатдан қўллаб қувватлашда мухим аҳамият касб этади, мамлакатдаги молиявий интизомни мустаҳкамланишига ва оҳир оқибат миллий иқтисодиётимизнинг молиявий соғломлашувига хизмат қилиши мумкин.

Маҳаллий бюджетлардан ижтимоий соҳалардаги фаолият юритувчи муассасалар иш ҳақи ва бошқа тўловларнинг ўз вақтида амалга оширилиши иқтисодиётдаги талабни рағбатлантиришнинг мухим омилларидан бири ҳисобланади. Шунинг учун ҳозирги кунда бюджет интизомини мустаҳкамлаш орқали маҳаллий бюджетлар ижроси самарадорлигини оширишга қаратилган бир қатор чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Мазкур чора тадбирларнинг самарали ижроси тўлов интизомини мустаҳкамланишига олиб келади.

Давлат бюджети харажатларининг асосий қисми ижтимоий соҳаларни молиялаштиришга йўналтирилишини инобатга олиб ҳамда ушбу йўналиш бўйича давлат харажатларини оптималлаштириш ва самарадорлигини ошириш мақсадида қўйидаги тадбирларга алоҳида эътибор бериш лозим:

-ўқувчилар сони кам ҳамда ўқитиш турли тилларда бўлган мактабларнинг (ва бошқа таълим муассасаларининг) асосли сонига боғлиқ бўлган, худудлар бўйича табақалаштирилган тўғриловчи орттирувчи коэффициентлардан фойдаланган ҳолда бир ўқувчи (тарбияланувчи)га харажатларнинг базавий меъёrlаридан келиб чиқсан ҳолда таълим муассасалари бюджетларини режалаштириш ва молиялаштиришнинг янги тартибини тадбиқ этиш;

-мактабгача таълим муассасаларида ота-оналар тўловининг озиқ-овқат харажатларини молиялаштиришдаги улушкини ошириш мақсадида унинг миқдорини қайта кўриб чиқиш ҳамда имтиёзли контингентни ҳозирги вақтдаги 11 %, 15 % етказиш. Бунда кам таъминланган оилаларнинг фарзандларини тўлалигича бюджет ҳисобидан таъминланадилар. Бюджет маблағларининг бўшаган қисмини мактабгача тарбия муассасаларининг моддий - техника базасини мустаҳкамлаш учун йўналтирилади;

-ата-оналар тўловини жорий қилиш (кам таъминланган оилаларнинг фарзандларидан ташқари) йўли билан мактаб-интернатларда болаларни

овқатлантиришни ташкиллаштиришда ота-оналарнинг иштирокини кенгайтириш. Бунда, ақлий ва жисмонан нуқсонли болалар учун, боқувчисини йўқотган болалар учун ва спортга ихтисослаштирилган мактаб интернатларни тўлалигича бюджетдан сақлашни сақлаб қолиш (ҳисобкитобга кўра мактаб – интернатлар умумий ўқувчиларининг 30 % ҳисобида);

-мактабдан ташқари муассасалар тармогини оптималлаштириш (Республика болалар ижодий марказларидан ташқари) ва улар базасида ўз-ўзини молиялаштириш болалар ижодий марказларининг фаолиятини ташкил қилиш. Бунда, биринчи иккى йил давомида уларни бюджетдан молиялаштириш умумий харажатларининг 50 % миқдорида сақлаб қолинди.

-бирламчи тиббий-санитария ёрдамини сақлаш учун ажратилаётган бюджет маблағларидан оқилона ва самарали фойдаланиш мақсадида Самарқанд, Сирдарё, Фарғона вилоятлари ва Тошкент шаҳрида тузилмавий ўзгартиришлардан кейин қолган шаҳар бирламчи тибиёт-санитария муассасаларини (амбулатория-поликлиника муассасалари) врачлик қабулларига боғланган аҳоли сонидан келиб чиқсан ҳолда ҳисобланган бир аҳоли жон бошига харажат меъёри бўйича бюджетдан режалаштириш ва молиялаштиришга ўтказиш;

-бюджет соҳасида ишловчи оналарга бола 2 ёшга тўлгунга қадар тўланадиган нафақаларнинг маҳалла қўмиталари томонидан уларнинг амалдаги миқдорини сақлаб қолган ҳолда белгилаш тартибини татбиқ этиш ҳамда тегишли равища маҳалла қўмиталарига ажратиладиган маблағлар миқдорини ошириш. Оилаларнинг муҳтожлигидан келиб чиқиб маҳалла комитетлари томонидан нафақаларни тайинлаш усули самаралироқдир, чунки нафақанинг тури бўйича нафақалар тўланиши тўғрисидаги қарор махсус комиссия томонидан оилаларнинг муҳтожлиги ўрганиб чиқилгандан сўнг қабул қилинади.

Мазкур тадбир маҳаллий бюджетлар харажатларининг мақсадли ва манзиллигини таъминлаш ҳамда фуқароларни ўз-ўзини бошқариш органларининг жойлардаги аҳолини ижтимоий ҳимоялаш бўйича масъулияtlари оширилишига олиб келади.

Жаҳон амалиётида маҳаллий бюджетларнинг молиявий имкониятлари уларнинг абсолют барқарорлиги орқали ифодаланади. Улар томонидан молиялаштириладиган харажатларни бириктирилган даромадлар(асосан маҳаллий солиқлар ва йиғимлар) ва меёрий ажратмалар шаклидаги тартиба солувчи даромадлар ҳисобига тўлиқ молиялаштириш имкониятлари тушунилади. Буни қуйидаги формула асосида кўриб ўтишимиз мумкин:

$$B_x < D_b + D_t;$$

B_x – бюджет харажатлари;

D_b - бюджетнинг бириктирилган даромадлари;

D_t - тартибга солувчи даромадлар;

Агар, бириктирилган ва тартибга солувчи даромадлар етишмаса бундай шароитда молиявий tengлаштириш сиёсати бўйича юқори бюджетдан

молиявий ёрдам шакллари ҳисобига маблағлар ажратилади. Бундай ҳолат маҳаллий бюджетларнинг нобарқарорлик ҳолати сифатида эътироф этилади.

Республика ва вилоят бюджетлари ўртасидаги бюджетлараро муносабатларда дотациялар муаммоси маълум даражада мувофиқлаштирилган бўлсада, маҳаллий даражадаги бюджетлараро муносабатлар тизимидағи дотациялар масаласи ҳали етарли даражадаги муаммоларга эгадир. Мазкур шаҳар ва туманларнинг дотацион режимда қолаётганлиги қўйидаги омиллар билан изохланади:

Биринчидан, маҳаллий даражада бюджет тизими бўғинлари ўртасида даромадларни тақсимланиш тизими билан боғлиқ муаммоларнинг етарли ҳал қилинмаганлиги;

Иккинчидан, худудларнинг инвестицион фаоллиги, шу жумладан хорижий инвестицияларни жалб қилиш фаоллигининг пастлиги;

Учинчидан, мамлакатда иқтисодий тараққиётнинг муҳим омилларидан бири бўлган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолиятини барқарор ривожланиши билан боғлиқ муаммоларнинг мавжудлиги;

Тўртинчидан, бюджет муассасаларида бюджет интизомига риоя қилишдаги қонунбузарликларнинг мавжуд бўлиши;

Бешинчидан, мавжуд молиявий инфраструктуранинг имкониятларидан худудларда самарали фойдаланилмаслик, тўлов интизолми билан боғлиқ муаммолар ва бошқалар ҳисобланади.

Агар, биринчи 3 та омил ялпи худудий маҳсулот ишлаб чиқариш суръатларини оширишини таъминлаш орқали, худудларнинг солиқ салоҳиятини оширишга имконият яратса, кейинги 2 та омил давлат молиявий маблағларидан самарали фойдаланиш тизимини шакллантириш имкониятларини юзага келтиради.

Хукуматимиз томонидан худудий ижтимоий иқтисодий ислоҳотларни амалга оширишда маҳаллий хокмият органларига юклатилаётган вазифаларга асосланган ҳолда, худудларда давлат молиявий ресурсларини шакллантириш ва унда фойдаланиш тизимини барқарорлаштириш бўйича шаҳар, туман ҳокимларининг асосий вазифалари сифатида қўйилагиларни келтириб ўтамиз:

- солиқ ва йигимларни манбалар бўйича тўлиқ ундирилишини назорат қилиш;
- боқиманда қарздорликни камайтириш бўйича чора-тадбирлар;
- кичик бизнес ва тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай муҳит яратиб бериш;
- худудларни ривожлантириш мақсадида инвестиция ва кредит маблағларини жалб қилиш;
- тўлиқ қувват билан ишламаётган корхоналарни молиявий соғломлаштириш;
- бюджет ташкилотларида бюджет, смета-штат интизомига қатъий риоя этилиши устидан назорат;
- бюджет маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш.

2.ТАРҚАТМА МАТЕРИАЛЛАР

Қарақалпоғистон Республикаси бюджети ва маҳаллий бюджетлар даромадлари

қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қарақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга йўналтириладиган маҳаллий солиқлар, йиғимлар, божлар ва бошқа мажбурий тўловлар

қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ Қарақалпоғистон Республикаси бюджетига ва маҳаллий бюджетларга ўтказиладиган умумдавлат солиқлари, йиғимлари, божлари ва бошқа мажбурий тўловлар

қонун ҳужжатларида белгиланган нормативлар бўйича давлат молиявий ва бошқа активларини жойлаштирилиши, фойдаланишга берилиши ва сотилишидан олинган даромадлар

қонун ҳужжатларида белгиланган нормативларга мувофиқ давлат мулки обьектларини жойлаштириш, фойдаланишга беришдан олинган даромадлар

қонун ҳужжатларига мувофиқ мерос олиш, ҳадя этиш ҳуқуқи бўйича давлат мулкига ўтган пул маблағлари

юридик ва жисмоний шахслардан, шунингдек, чет эл давлатларидан келган қайтарилмайдиган пул тушумлари

юқори бюджетлардан бериладиган бюджет дотациялари, бюджет субвенциялари ва бюджет ссудалари

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа даромадлар

Миллий иқтисодиётда қўлланилаётган бюджет даромадлари тизмининг самарадорлиги **маблағларнинг бюджетга тушумини ташкил этишга** бевосита боғлиқ. Бу ўз ичиға қуйидагиларни олади




Юқоридагиларни ишлаб чиқиш ва амалга оширишда давлат ва бюджетга даромад тўловчилар ўртасидаги манфаатларнинг оқилоналигини таъминлашга катта эътибор бермоқ лозим

**Солиқ тизимининг таркибий ту-
зилмаси давлат тузилишига
боғлиқ**



**Солиқ тизими бир неча белгилар ва
омилларга мувофиқ
к л а с с и ф и к а ц и я
қилиниши мүмкин (давоми)**



**Солиқ тизими бир неча белгилар ва
омилларга мувофиқ
к л а с с и ф и к а ц и я
қилиниши мумкин (давоми)**

Олиниши ва тегишлилиги қайси органга боғлиқлигига қараб,
солиқлар қуидагича фарқланади

**Умумдавлат
солиқлари**

Солиқ қонунчилигига
мувофиқ равишда ўрна-
тилади ва мамлакатнинг
барча худудларида унди-
рилади

**Маҳаллий солиқлар
ва йиғимлар**

Солиқ қонунчилигига ва
маҳаллий ўзини-ўзи бош-
қариш органларининг
норматив-хуқуқий акт-
ларига мувофиқ ўрнати-
лади ва маҳаллий худуд-
да ундирилади

- қўшилган қиймат
солиғи;
- акцизлар;
- даромад солиғи;
- давлат божлари;
- божхона божлари;
- ва бошқалар.

- мол-мулк солиғи
- ер солиғи;
- савдо хуқуқи учун
йиғим;
- мақсадли йиғимлар
- ва бошқалар

5. Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

Маҳаллий солиқлар ва йиғимлар фискалъ нуқтаи назардан етарли даражада самарали бўлмаган ва иккинчи даражали аҳамиятга эга бўлган солиқлар ва йиғимлардир



Мамлакатнинг солиқ қонунчилигига, давлат ҳокимияти органларининг қарорларига ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг меъёрий-хуқуқий актларига мувофиқ ўрнатиладиган ҳамда тегишли маҳаллий ҳудудда тўланиши шарт бўлган солиқ ва йиғимларга маҳаллий солиқлар ва йиғимлар дейилади



Давлат ҳокимияти органлари ва маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органлари ваколатига, ўзларининг фискал аҳамиятига ва амал қилиш даврига қараб, маҳаллий солиқ ва йиғимлар иккига бўлинади



қонунчилик ҳокимият органи томонидан жорий этиладиган ва мамлакатнинг барча ҳудудларида амал қиласидиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар

маҳаллий ўзини-ўзи бошқариш органларининг қарорига мувофиқ жорий этиладиган маҳаллий солиқлар ва йиғимлар



жисмоний шахсларнинг мол-мулкидан олинадиган солиқ; ер солиғи; реклама солиғи; савдо қилиш хуқуқи учун йиғим ва бошқалар

компьютерлар, ҳисоблаш техникалари ва автомобилларни олиб-сотганлик учун солиқ; автотранспортлар тўхташ жойидан фойдаланганлик учун йиғим; мақсадли йиғимлари ва б.

3.АМАЛИЙ МАШГУЛОТ УЧУН МАТЕРИАЛ

1-топшириқ.

1. Бюджет тизимида маҳаллий бюджетларнинг ўрни қандай?

2. Тест:

Маҳаллий соликлар ва йигимларнинг чегараланган ставкалари қайси орган томонидан белгиланади.	Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан	Коракалпогистон Республикаси Жўкорғи Кенгеси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари томонидан	бекистон Республикаси Президенти томонидан	Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси томонидан
Қайси жавобда маҳаллий йигимлар таркиби тўғри берилган?	Савдо қилиш хукуки учун йигим, реклама йигими, алоҳида товарларни сотиш хукуки учут йигим, худудларни ободонлаштириш учун йигим, савдо ҳуқуқини берувчи йигим, кимматли коғозларни рўйхатдан ўтказувчи йигим	Истеммол учун жисмоний шахслардан ундириладиган йигим, савдо ҳуқуқини берувчи йигим, кимматли коғозларни рўйхатдан ўтказувчи йигим	Алоҳида товарларни сотиш хуқуки учун йигим, худудларни ободонлаштириш учун йигим, савдо қилиш хукуки учун йигим, автотранспортни сақлаш бўйича пулли хизматларни кўрсатганлик учун йигим	Маориф ташкилотларининг еҳтиёжи учун йигим, дехқон бозоридаги бир марталик йигим, автомобилларни олиб сотганлик учун йигим
Маҳаллий бюджетларнинг тартибга солувчи даромадлари нима?	Солик даромадлари ва тушумлар	Режалаштирилганга нисбатан ортиқча тушган даромадлар	Куйи бюджетларга уларнинг номутаносиблигини таъминлаш мақсадида ажратилган даромадлар	Бюджет ссудалари ва бюджет дотациялари
Маҳаллий бюджетнинг таркибига бевосита қайси бюджет кирмайди?	Туман бюджети	Республика бюджети	Вилоят бюджети	Шаҳар бюджети
Маҳаллий бюджетнинг тартибга солувчи даромадлари нима?	Куйи бюджетларга уларнинг номутаносиблигини таъминлаш мақсадида ажратилган даромадлар	Солик даромадлари ва тушумлар	Тўғри (бевосита) ва егри (бильвосита) соликлар	Режалаштирилганга нисбатан ортиқча тушган даромадлар

3. Маҳаллий бюджетлар мавзусига оид бўлган иборалардан кроссворд тузинг

4. Бириктирилган даромадалар бу ...

2-топширик

1. Махаллий бюджеттеги қўйилган чекловлар?

2. Тест:

Қўйида келтирилган харажат гурӯҳларидан қайси бири маҳаллий бюджетларнинг харажатлари хисобланади?	Мудофаа харажатлари	Ахолини ижтимоий химоя қилиш харажатлари	Давлат захираларини вужудга келтириш билан боғлиқ харажатлар	Давлат қарзини қайташиб ва унга хизмат кўрсатиш бўйича харажатлар
Таълим ташкилотларида педагогик ходимлар иш ҳақига кўшимчалар қайси кўрсаткичга нисбатан фоизларда аникланади?	Лавозим оқладига нисбатан	Минимал иш ҳақига нисбатан	Қатъий суммаларга нисбатан	Белгиланган фоизларда
Куйидагилардан қайси бири маҳаллий бюджетининг даромадлари таркибига киради?	Кўшилган қиймат солиги	Мол-мулк солиги	Акциз солиги	Юридик шахслар даромад (фойда) солиги
Маҳаллий бюджетлардан кандай харажатлар молиялаштирилади?	Ижтимоий, бошқарув ва иқтисодий	Халқаро, мудофаа	Иқтисодий ва илмий	Иқтисодий, мудофаа
Куйидагилардан қайси бири маҳаллий бюджетининг даромадлари таркибига кирмайди?	Кўшилган қиймат солиги	Мол-мулк солиги	Акциз солиги	Юридик шахслар даромад (фойда) солиги

3. Маҳҳаллий солиқларга оид иборалардан кроссворд тузинг

4. Маҳҳалий солиқлар -

4.ГЛОССАРИЙ

19 мавзу: Махаллий бюджетлар.

Бюджет тизими (бюджетная система, budget system) - турли даражадаги бюджетлар ва бюджет маблағлари олув-чилар йифиндисини, бюджетларни ташкил этишни ва тузиш принципларини ифодалайдиган, бюджет жараёнида улар ўртасида, шунингдек бюджетлар ҳамда бюджет маблағлари олувчилар ўртасида вужудга келадиган ўзаро муносабатлар мажмуидир.

Ресурс тўловлари ва мол-мулк солиғи (Ресурсные платежи и налог на имущество, Resource payments and property tax) - мол-мулк ва ерга эга бўлганлик ва табиий ресоуслардан фойдаланганлик учун тўланадиган солиқлар (мол-мулк солиғи; ер солиғи; ер ости бойлик-ларидан фойдаланганлик учун солиқ ва сув ресурсларидан фойда-ланганлик учун солиқ)

Маҳаллий бюджетлар (местные бюджеты, local budgets) – Ўзбекистон Республикаси маҳаллий маъмурий-худудий тузилмаларининг нақд ва нақдсиз шаклдаги пул ресурслари ва оқимлари йифиндиси бўлиб, маҳаллий хўжалик эҳтиёжларини нормал даражада таъминлашга ҳамда маҳаллий худуддаги аҳолига ижтимоий-маданий хизматларни пул маблағлари билан таъминлашга хизмат қиласи.

Маҳаллий бюджетлар(местные бюджеты, local budgets), “Бюджет тизими тўғрисида”ги Конунга мувофиқ, Қорақалпоғистон Республикаси давлат бюджети, вилоятлар бюджетлари, вилоятлар бюджетлари кирувчи қуи (шаҳар, туман) бюджетларни ўз ичига олади. Уларнинг даромадлари ва харажатлари таркиби, бюджет жараёни ва бюджет ҳуқуқи қонун билан белгиланган.

Ўз даромадлари (их доходы, their incomes) – маҳаллий худуддан йиғилувчи ва шу худуд бюджетига тушувчи маҳаллий солиқ ва йиғимлар

Тартибга солувчи даромдлар (Регулирование оплаты труда, Regulating remuneration) – маҳаллий бюджетнинг ўз даромадлари харажатлари қоплай олмаганда юкори бюджетдан ўtkазиб берилувчи даромадлар

Қорақалпоғистон Республикаси бюджети (Бюджет Республики Каракалпакстан, The budget of the Republic of Karakalpakstan) - Қорақалпоғистон Республикасининг республика бюджетини ҳамда республикага бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетини;

Вилоят бюджети (областной бюджет, The regional budget) – умумвилоят бюджетини ҳамда вилоятга бўйсунувчи туманлар ва шаҳарлар бюджетини;

Туманларга бўлинадиган шаҳар бюджети (Города разделены городского бюджета, Towns divided city budget) – умумшашар бюджетини ҳамда шаҳар таркибига кирувчи туманлар бюджетларини;

Таркибида шаҳарлари бўлган туман бюджети (Который включает в себя города районного бюджета, Which includes the cities of the district budget) – умумтуман бюджетини ҳамда туман бўйсунувидаги шаҳарлар бюджетларини

5.АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ваҳобов А., Маликов Т. Молия: дарслик. – Т.: Ношир, 2011. – 712 б.
2. Финансы: учебник для бакалавров / Под ред. М. В. Романовского, О. В. Врублевской. – 3-е изд., перераб. и доп. – М.: Издательство Юрайт, 2012. – 590 с.
3. Маликов Т., Тилабов Н. Молия: тест (савол-жавоблар). – Т.: Академнаср, 2013. – 448 б.
4. Ваҳобов А., Қосимова Г.А. Давлат молиясини бошқариш. – Т.: Иқтисод-молия, 2008 й.
5. Ваҳобов А, Маликов Т. “Молия: умумназарий масалалар” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 316 б.
6. Ваҳобов Д., Ражабов Ш. “Молия” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 200 б.
7. Маликов Т.С. Хўжалик юритувчи субъектлар молияси, ўқув қўлланма, Т.:2010 й..
8. Маликов Т.С., Ваҳобов Д. Молия: чизмаларда. Ўқув қўлланма, Т.: “Иқтисод-молия” , 2010й .
9. Маликов Т., Жалилов П. Бюджет-солиқ сиёсати, ўқув қўлланма, Т.: 2011 й.
10. Маликов Т., Хайдаров Н., “Давлат бюджети” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 84 б.
11. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет даромадлари ва харажатлари” ўқув қўлланма, Тошкент: “IQTISOD-MOLIYA”, 2007 й., 245 б.
12. Маликов Т., Хайдаров Н., “Бюджет: тизими, тузилмаси, жараёни” ўқув қўлланма, Тошкент “IQTISOD-MOLIYA”, 2008 й., 84 б.
13. Маликов Т. Ҳайдаров Н. “Молия: умумдавлат молияси” ўқув қўлланма Тошкент, “IQTISOD-MOLIYA”, 2009 й., 556 б.

6. ТАҚДИМОТ МАТЕРИАЛЛАРИ